

Ушбу
сонда:

ЧИНАКАМ
ФАОЛИЯТ — МУҲИМ
МЕЗОН

БУНЁДКОРЛИК
ИШЛАРИ ҚИЗГИН

ЖАННА Д'АРК
ҚАТЛ ЭТИЛГАНМИ?



Газета 1995 йил 22
февралдан чиқа
бошлаган

АДОЛАТ

Инсон манфаатлари — олий қадрият

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

● ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. ● СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА ● 2005 йил 26 август ● № 35 (531)

ПОЙТАХТИМИЗ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Истиқлол йилларида жаннатмонанд юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари мутлақо янгица қиёфа касб этди. Янгидан бунёд этилаётган замонавий корхоналар, шинам тураржойлар, коллеж ва лицейлар, барча қулайликларга эга тиббиёт муассасалари, равион йўллар, маҳобатли кўприклар, сўлим бог ва хибонлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Бетакдор диёримизнинг кўрку тароватини ўзида намоён этадиган пойтахтимиз Тошкент шаҳрини бугун улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Айниқса, бош шаҳримизнинг шуқуқига шуқуқ қўшаётган кенг ва равион йўллар, кўприк ва транспорт боғламалари барчаннинг эътиборини ўзига тартади. Юртбошимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан шаҳарнинг турли мавзе ва даҳаларини бири бири билан боғлайдиган йўллар, кўча ва кўприкларнинг бунёд этилиши Тошкентнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Пойтахтимизнинг Шароф Рашидов, Юсуф Хос Ҳожиб ва Миробод кўчаларининг кенглиги илгари ўн метрдан ошмас эди. Бунинг устига, трамвай йўли бу ердаги транспорт ҳаракатига ҳалақит бера-

ди. Лойиҳачилар, йўлсозлар, транспортчилар ва бошқа мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мазкур кўчалар киска муддатда кенгайтирилди, саккиз қатор транспорт бема-лол ҳаракат қила оладиган ҳолатга келтирилди. Кўчалар атрофида ободончилик ишлари амалга оширилиб, коммуникация тизими янгиланди.

Мамлакатимиз Президент Ислон Каримов бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз кўчалар атрофидаги биноларнинг кўриниши, безатилиши ана шундай равион кўчаларга мос бўлиши зарурлигига эътибор қаратди.

Шундан сўнг давлати-миз раҳбари Тошкент

ҳалқа йўлида - Сирғали ту-мани ҳудудидаги катта чорраҳада барпо этилган йўл ўтказгич билан таниш-ди. Пойтахтимизнинг Усмон Носир кўчаси Сирғали, Кўйлик ва Отчопар бо-зорига борадиган йўллар билан кесишадиган жой-да қурилган ушбу кўприк-нинг узунлиги 49 метр бўлиб, уч ярим ойда ишга туширилди.

Президентимиз янги кўприк билан танишар экан, мамлакатимиз бўйлаб бу каби кўприк ва йўл ўтказгичлар, равион ва кенг йўллар қурилишига катта аҳамият берилаётганининг сабабларига эътиборни қаратди.

Хар қандай йўл ёки кўприкни бунёд этишда, муайян мақсадлар назарда тутилади, - деди Ислон Каримов. - Бу борадаги ишларнинг мазмун-моҳиятида узоқ йўлни яқин қилиш, йўловчиларнинг оғирини енгиллаштириш, мамла-катимиз минтақаларини бири бири билан боғлаш, йўл учун сарфланадиган ор-тиқча харажатларни камайти-риш каби кўплаб муаммо-

ларга ечим топишдек эзгу ниятлар мужассам.

Илгари йўл қурилиши деганда, ўтган-қайтганда тутуни ва қуруми кўз ва ди-моқни ачиштирадиган «қорамой эритиш» машгу-лотли кўз ўнгимизга келар-ди. Эндиликда бу жараён-лар бутунлай ўзгарган. Бу-гун йўлсозликда энг замо-навий техника ва техноло-гиялардан унумли фойда-ланилмоқда.

Ҳамюртларимиз учун йўлсозлик эътиборли касб-лардан бирига айланди. Йўл қурилиши билан бо-ғлиқ кенг кўламли ишлар ту-файли янги иш жойлари ташкил этилмоқда.

Юртбошимиз қуйидаги рақамларни келтириб ўтди: 1991-2005 йиллар оралиги-да мамлакатимиз пойтахти ва унга туташ ҳудудларда янги йўллар, йўл ўтказгич-лар, кўприклар қуриш, мав-жудларини реконструкция қилиш, эри-бурги йўллар-ни тўғрилаш, тор кўприк-ларни кенгайтириш каби юмушларнинг жами ҳажми тахминан 1000 километрга етган.

- Янги қурилган равион

йўллару қулай кўприклар, аввало, халқимизга хизмат қилмоқда, - деди Прези-дент. - Қолаверса, бу бо-радаги ишларимиз Ўзбеки-стон пойтахтини замонавий давлатлар пойтахтларига монанд юксак даражага чи-қармоқда.

Тараққиётга интилаётган давлат коммуникацияни ри-вовжлантиришга жиддий эътибор бермоғи даркор. Йўл қурилиши билан бо-ғлиқ юмушларга бепасанд қараш эртага қимматга ту-шиши, кейинчалик йўл-ком-муникация тизимини замо-навий даражага кўтариш қийин кечishi мумкин.

Мамлакатимиз раҳба-ри Камчиқ доводидан ўтадиган йўл қурилиши-нинг муваффақиятли якунлангани ҳозирги кун-да ўзининг юксак сама-расини бераётганини қайд этди. Миллионлаб кишиларнинг пойтахтга қолиш билан боғлиқ сарф-харажатлари ка-майди, нафақат ортиқча масофага, балки йўл азобиға ҳам барҳам бе-рилди. Авваллари юрт-дошларимиз қўшни дав-

лат ҳудуди орқали ўти-байтган бўлса, эндилик-да ўз диёримиз йўллари-дан эркин ва бемалол қатнамолқдалар.

Катта ўзбек трактини Фарғона йўли билан бо-ғлаш ишлари амалга оши-рилса, Афғонистон ва бош-қа хорижий давлатлардан, шунингдек, мамлакатимиз-нинг Сурхондарё, Қашқа-дарё, Самарқанд, Жиззах ва бошқа вилоятларидан келадиган юк машиналари, умуман, тигиз коммуни-кация Тошкент марказини четлаб ўтишига эришамиз, деди Юртбошимиз.

Бу гоёт муҳим масала. Зеро, йўлсозлик замирида сиёсий, иқтисодий эколо-гик масалаларни ҳал этиш, бундан ташқари, кишила-римизнинг кайфияти ва ру-ҳиятини кўтаришдек хайр-ли мақсад-муддаолар му-жассамдир.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга бу бо-радаги ишлар юзасидан те-гишли кўрсатма ва та-всиялар берди.

Норали ОЧИЛОВ,
Гулом МИРЗО,
ЎЗА мухбирлари

✓ Муносабат

ХАЛҚ ИРОДАСИ БУКИЛМАЙДИ

Кеча Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ко-тибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кен-гашининг биринчи қотиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Адолат» СДП фракциясининг раиси Д. Тош-муҳамедованинг Ўзбекистон Республикаси Олий Ма-жлиси Сенати Кенгашининг 2005 йил 19 августда бўлиб ўтган мажлиси тўғрисидаги ахбороти тингланди.

— Президентимиз иштирок этган Сенат Кенгаши маж-лиси муҳокамаси депутатлар, партия етакчилари учун жид-дий сабоқ бўлди, - деди партия биринчи қотиби. - Партия-мизнинг ўтган даврдаги фаолиятдан зарур хулосаларни чиқариб, зиммамиздаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда яна-да сезгир ва ҳушёр бўлишимиз даркор. Тан олиш керак, Андижонда рўй берган воқеаларни етарлича муҳокама қила олмадик, бу борадаги тадбирларимизда ҳам уюшқоқлик етишмади. Ваҳоланки, ҳозирги мураккаб вазият партия етак-чиларимиздан ўта масъулиятли бўлишни талаб этади.

Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларига мос тарзда юриётган мустақил сиёсати, тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш йўлидаги амалга ошираётган ишлари баъзи гаразғўй қимсалар томонидан нотўғри талқин қилинмоқда. Аслида уларнинг бундай ҳаракатларида бутун бир халқни бадном қилиш ва обрўсизлантиришга асосланган мақсадлари бор. Юртимиз шаънига билдирилган тўхмат ва уйдирма гаплар ҳам ўша бадниятиларнинг иши. Бундай қабих ишларга партиямиз ўзининг муносиб жавобини бериши керак. Хо-лис ва ҳаққоний воқеаларни халқимизга етказишда минта-қавий партия етакчилари ҳам фол бўлишлари зарур. Бун-дай гаразли мақсад халқимизнинг маънавий етуқлиги, му-стаҳкам иродаси ва собитқадамлиги олдида парчаланиб кетиши аниқ. Зеро, юрағида адолат ҳисси бор одамлар халқимизнинг ниятлари улуғлигини, қилган ишлари хайр-лилигини ҳамда фаровон ҳаёт учун курашаётганликлари яқини билади.

Биз, Сиёсий Кенгаш вакиллари, партиямиз аъзолари Президентимизнинг давлатимиз тинчлиги ва барқарорли-гини сақлашдаги тутган позициясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Ва жамиятнинг барча соғлом кўчлари мана шу ҳаракат олдида жипслашмоғи зарур. Айни пайтда халқ-имиз орасида юриб, Юртбошимиз юриётган қатъий ва одил сиёсатнинг моҳиятини тушунтириб беришимиз ва бу борада фаоллик билан тағрибот ва ташвиқот ишларимиз-ни жонлантришимиз керак.

Шунингдек, партия ташкилотларимизни гоёвий жиҳат-дан кескин қучайтиришимиз, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлашимиз даркор. Партиямиз ол-дидаги мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда му-стақиллиқни мустаҳкамлашга маҳкам бел боғлашимиз, дав-латимизнинг жаҳонда тутган ўрнини оширишга ҳисса қўшмо-ғимиз керак.

Сиёсий Кенгаши қотибиятининг йиғилишида Сенат Кен-гаши мажлисидаги билдирилган фикр-мулоҳазаларни нут-қини партия Раёсатининг кенгайтирилган йиғилишида ба-тафсил муҳокама қилишга қарор қилинди.

✓ Спортимиз юлдузлари



ЎЗБЕКНИНГ АСА ЎҒЛОНИ

Бокс мамлакатимизда юқори даражада ривожланган спорт турларидан саналади. Ўзбекистонлик боксчилар дунё спортда катта мавқе ва обрўга эга. Чунки халқаро мусобақаларда қўлга киритилган энг нуфузли ютуқлари-мизнинг аксарияти айнан боксчиларимизнинг меҳнати ва маҳорати самарасидир. Хусусан, спорт оламида энг нуфузли саналган ёзги Олимпиада ўйинларидаги даст-лабки олтин медал ҳам "чарм қўлқон" устаси Мухаммад-қодир Абдуллаевга тегишли. Дарвоқе, ҳамюртимиз ҳозир-ги пайтда профессионал бокс рингларида Ватанимиз ша-рафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

(Давоми 4-бетда)

✓ Мавсум

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

2005 йилда Андижон вилоятининг Марҳамат тумани Тўхтастин Мирзаев номидаги ширкат ҳўжалигининг 1 минг 100 гектардан зиёд май-дониде гўза парвариш қилинди.


— Пахта етиштириш учун ажратилган майдонларга «Бу-хоро -110» навли гўза уруғлари қадалди, — деб таъкидлади ҳўжалик бош агрономи Обиджон Эргашев. — Ҳозирги вақ-тда ҳар гектар ерда 120-125 минг тул гўза гурқираб туриб-ди. Гўзани 23 та пахтачилик бригадаси аъзолари парва-ришлади, тўқиз бор култивация қилинди, шарбат усули-да олти марта сугорилди.

Иқтисодчилар гўза зарарқундаларига қарши қўлланил-ган биоусул туфайли ҳўжаликда олти миллион сўмдан зиёд маблаг тежаланини аниқлашди. Фойдали ҳашаротлар ҳўжа-ликнинг биологаториясида етиштирилмоқда. Биоусулга қўшимча равишда Хитойдан келтирилган электрлампапар ҳам қўлланилгати. Ширкат ҳўжалиги жамоаси ҳўжаликдаги барча хирмон ва тарозуларни пахта териш мавсуми бош-ланганига қадар тайёрлаб қўйиш учун меҳнат қилишмоқда. Ҳозирдаёқ пахта ташйиридан 23 та трактор ва тиркагичлар терим мавсумига тахт қилиб қўйилди.

Ўтган йил натижаларига кўра мазкур ширкат ҳўжалиги 1,2 миллиард сўмдан кўпроқ ялли даромад олишга муваф-фақ бўлди. Соф фойда 125 миллион сўмни ташкил этди. «Кичик» қишлоғида ҳўжалик маблаг ҳисобидан қишлоқ врачлик пункти қурилиб, ишга туширилди. 320 ўқувчиға мўлжалланган мактаб биноси қурилиши битиш арасидади. Мазкур ишлар учун 100 миллион сўм ажратилган. Янги маҳалла учун тўрт километр масофага газ қувури ўтказил-ди.

К.НИЗОМОВ,
«Туркистон-пресс»

КЎҲНА САМАРҚАНД ЧОРЛАЙДИ



Бугун кўҳна ва навиқ-рон Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро фестивалининг наватбадаги — бешинчи босқичи бошланади. Фе-стивалининг очилиш ма-росини азиям шаҳарнинг Регистон майдониде бўлиб ўтади. 1997 йил-дан бундан анъанавий ра-вишда ҳар икки йилда бир марта ўтказиб кели-наётган мазкур қўшиқ байрами Ватанимиз, шу-

нингдек, турли халқлар санъатини ва иқтидори-ни дунёга танитишда катта рол ўйнаётган шубҳасиз. Шу боис фе-стивалга бўлган қизи-қиш тобора ортиб, унга қатнашиш истагини бил-дираётган иштирокчи-лар сафи йилдан-йилга қўнайиб бораёпти.

Бу йил элликка яқин юрт вакиллари фестивал дои-расидаги сахналарда ўзи-нинг санъатини намойиш

этадилар. Бу «Шарқ таро-налари» фестивалининг хал-қаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганидан дало-латдир. Ўзбекистон Баста-корлар уюшмаси раиси Ру-стам Абдуллаевнинг айти-шича, фестивал нафақат шарқ мамлакатларида, балки бошқа хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотган.

— «Шарқ тароналари»-нинг жаҳондаги бошқа фе-стиваллардан фарқи шунда-

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Дан-гара туманидаги Бешкапа қишлоғи-да Ўзбекистон-Италия ҳамкорлигида-ги «Мега дря» қўшма корхонаси иш бошлади. Натияжада 300 нафар маҳал-лий ёшлар иш билан таъминланди. Асосан сабзавот, сархил мева-лар ва витаминларга бой турли қўқатлар-ни қайта ишлаш, қуриштишга иктисо-лашган корхонаға 2 миллион АҚШ доллар микдориде хорижий инвес-тиция жалб этилди. Янги корхона Ита-лия, Германия, Хитой ва Туркия син-гари мамлакатлардан келтирилган за-

ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

монавий дастгоҳлар билан жиҳозлан-ди. Қўшма корхона бир кеча-кундуз-да 25-30 тонна 20 турдан ортиқ маҳ-сулот ишлаб чиқариш имкониятига эга. Айни кунда қўшма корхона там-ғаси билан ишлаб чиқарилган даст-лабки 100 тонна маҳсулот хорижга эк-спорт қилиш учун тайёрлаб қўйилди.

— Ҳамкорлиқни келгуси йилда

рибимиз, — дейди корхона ишлаб чи-қариш цехи бошлиғи Эркинжон Ёкуб-жонов. — Бундан ташқари, қўшма кор-хонада янги ишлаб чиқариш тармоқ-ларини кенгайтириш, маҳсулот тур-ларини қўлайитириш борасида ҳам из-ланимиз. Яқин орада турли мева-лардан хуштам шарбатлар ишлаб чиқаришни қўлаб турибимиз.

«Туркистон-пресс»

2005 йил 25 августда Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг маж-лиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Се-натининг Раиси М.Шарифхўжаев олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Ра-иси ўринбосари Ф.Мухитдинованинг парламент юқори палатасининг учинчи ялли мажлисиға тайёр-гарлик қўриш ва уни ўтказиш юзасидан ўтган давр мобайнида қилинган ишлар тўғрисидаги ах-боротини тингладилар.

Кўмита раислари Қонунчилик палатаси томони-дан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатға юбо-рилган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда учин-чи ялли мажлис муҳокамасига киритиш мўлжал-ланган бошқа ҳужжатлар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бердилар, ма-жлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Сенати Кенгашининг ваколатли тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик маса-лаларни кўмиталари мажлислари ҳам шу куни бўлди.

Кўмиталарнинг раислари Ф.Алиев ҳамда И.Соби-ров томонидан олиб борилган мажлисларда Ўзбеки-стон Республикаси Президенти иштирокида 19 ав-густ куни ўтказилган Сенат Кенгашининг АҚШ қурул-ли кўчлари контингентини «Хонобод» (Қарши) аэро-дромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ сенаторларнинг муурожаатномаси тўғри-сидаги Қарори муҳокама этилди.

Кўмита мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқиндагина эълон қилинган «Ўзбе-кистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишға санкция бериш ҳуқуқини судларға ўтказиш тўғрисида»ги фармонла-ри кўриб чиқилди. Сенаторлар бу ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритар эканлар, мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотида, жиний жазолар тизимини либераллаштиришда мазкур фар-монлар муҳим босқични бошлаб беради деб айтиди-лар. Улар ана шу фармонларнинг, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар-нинг моҳияти ҳамда аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг қўламада тушунтириш ишлари ўтказиш зарур эканли-гини алоҳида таъкидладилар. Сенаторлар шунингдек, учинчи ялли мажлисининг кун тартибига киритиш мўлжалланган масалаларни, шу жумладан Қонунчи-лик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқул-лаш учун Сенатға юборилган қонунларни ҳам муҳока-ма этдилар, биринчи ярим йилликдаги ўз фаолият-лари якунларини таҳлил қилдилар, минтақаларда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳамкасбаларға ахборот бердилар.

Сенат кўмиталари кўриб чиқилган масалалар юза-сидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

ЎЗА

